2006 ЙИЛ, 1 МАЙ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (10.640)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида «Хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг ҳавола қилувчи нормалари ва идоравий норма ижодкорлигини такомиллаштириш муаммолари» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тадбирда давлатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши ўтказилди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларининг Тошкент шаҳридаги ижроси масаласи кўриб чиқилди.

● Уч кун давомида Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича учинчи жаҳон чемпионатининг шиддатли беллашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шарқ яккакурашлари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда дунёнинг 40 га яқин давлатидан келган кикбоксинг усталари ғалаба учун кураш олиб борди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди муассислигида янги «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали ташкил этилди. Ушбу журналнинг илк сони нашрдан чиқиши муносабати билан Адлия вазирлигида мазкур нашрнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли боғда «Улуғимсан, Ватаним!» шиори остида ташкил этилган республика китоб сайли ҳамда вилоят кутубхонасида уюштирилган «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мустақиллик даври кўргазмаси ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳрида «UD Auditon» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси иш бошлади. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхонада ногиронлар учун эшитиш мосламалари ишлаб чиқарилади. Айни кунда 1200 дона эшитиш мосламасига буюртма олинди, яна 1000 дона эшитиш мосламаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонга экспорт қилинади.

● Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» қишлоғи ўқувчилари янги ўқув йилини янги мактабда қарши оладилар. 2004-2009-йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ 39-мактабнинг эски биносини қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини «Бунёдкор» фирмаси амалга оширмоқда.

ЖАҲОНДА

● Уч ҳафталик қизғин музокаралардан кейин Исроилнинг икки нафар энг йирик «Кадима» ва «Авода» партиялари коалиция ҳукуматини тузиш ҳақидаги келишувни имзолашди. Исроил Вазирлар Маҳкамасини амалдаги Бош вазир ва «Кадима» партияси етакчиси Эҳуд Ольмерт бошқарадиган бўлди. «Авода» партияси раҳбари Амир Перес эса Мудофаа вазири лавозимида иш юритади.

● Миср маъмурияти Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканалининг Қоҳира бюроси раҳбари Ҳусайн Абдул Ғанини 1745 доллар гаров эвазига озодликка чиқарди. Айтиш керакки, энди ҳар қандай нотўғри ҳаракати уч йилдан беш йилгача қамоқ жазоси билан якунланиши мумкин бўлган «Ал-Жазира»нинг Мисрдаги масъул вакили Дахабдаги террорчилик ҳаракатларини ёритишда 2004 йилда Табе шаҳрида уюштирилган теракт кадрларидан фойдаланганлиги маълум бўлди.

● Нью-Йоркда 2001 йилда террорчилар томонидан йўқ қилинган Бутунжаҳон савдо маркази ўрнига осмонўпар бинолар мажмуасининг қурилиши бошлаб юборилди. Бешта осмонўпар бинодан иборат мажмуанинг асосини лойиҳага кўра баландлиги 541 метр бўлган «Озодлик минораси» ташкил этади.

● Чеченистон республикасида баҳорги чақириқ кампанияси бошланди. Маҳаллий ўсмирлар муддатли хизматга чақирилмасдан, куролли кучларда шартномавий асосда хизматни фақат Чеченистонда ўтайдилар.

● Кейинги 30 йил ичида илк бор Грузиянинг бир қатор ҳудудларида апрель ойининг охирида қор ёғиши кузатилди. Шу муносабат билан сўнгги кунлар ичида Грузиянинг кўпчилик район ва шаҳарларида кейинги 30 йил ичида шу вақт учун энг совуқ ҳарорат қайд этилди. Жумладан, тоғлик районларда ҳарорат минус 3-5 даражага етди.

● Американинг «Форбс» журнали 20-бор жаҳоннинг энг бой кишиларининг йиллик рейтингини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, миллиардерлар сони рекорд даражага етиб ҳозирда курраи замин бўйича 793 нафар кишини ташкил этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Маҳалланг — ота-онанг

АЙНИ КУНЛАРДА НАФАҚАТ ШАҲРИМИЗДА, БАЛКИ БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯҚИН КУНЛАРДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА.



НАТИЖАЛАР САМАРАСИ — ФАОЛЛИКДА

Сайловларнинг очиқ, ошкора, демократик руҳда ўтиши учун жойларда амалий семинарлар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда. Хусусан, ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғинлари кенгашларининг йиғилишлари ўтказилиб, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳлари ўтаётган ҳар бир кунни ғанимат билиб иш олиб бормоқда.

Юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — сайловларга бўлган эътибор ва унга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Яккасарой туманидаги Ўсмон Носир маҳалласига кириб борганимизда айни ишчи гуруҳи томонидан йиғилиш ўтказилаётганлигининг устидан чиқдик.

Ишчи гуруҳи раиси Лариса Мурадагаеванинг фуқароларга бўлажак сайловлар, унинг мазмун-моҳияти, обрў-эътиборли, ташкилотчи, ғайратли, одамларга қайишадиган кишиларни тўғри танлай билиш лозимлиги, сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида тўлиқ маълумот беришини кузатар эканмиз, ўз навбатида шу ҳудудда яшовчиларнинг фаоллигини, ўзларини қизиқтирган саволлар ва таклифлар билан мурожаат қилаётганларининг ҳам гувоҳи бўлдик.

— Маҳаллада 2812 нафар аҳоли истиқомат қилса шулардан овоз берувчилар 1425 кишини ташкил этади, 6 нафари 18 ёшга тўлган ҳолда биринчи марта овоз берувчилардир. Маҳалла идорасида ишчи гуруҳининг фаолият олиб бориши учун алоҳида хона ажратилиб, барча зарурий ҳужжатлар ва ашёлар билан таъминланган, — дейди биз билан суҳбатда ишчи гуруҳи раиси Лариса Мурадагаева. — Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси ва туман ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳларининг иш



юритиши, фуқаролар йиғинлари вакиллари йиғилишларини ташкил этиш ва олиб бориш, баённомаларни расмийлаштириш бўйича қўлланмалар тарқатилди. Шу асосда биз бугунги кунда иш олиб боряпмиз. Фуқароларимиз ушбу жараённи тўғри тушуниб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирмоқдалар, номзодлар кўрсатмоқдалар.

— Шу маҳаллада истиқомат қилаётганимга 10 йилдан ошди, — дейди Саодат Қорабоева. — Турли миллат вакиллари ўзаро аҳил, баҳамжиҳат яшаб келмоқдамиз. Маҳалладаги ҳар бир тадбирда фаол қатнашамиз, яхши-ёмон кунда бир-биримизни қўллаймиз. Шундан келиб чиққан ҳолда энг муносиб номзодларни танлаб кўрсатмоқдамиз.

— Фуқароларимиз сайлов билан ниҳоятда қизиқмоқдалар, — дейди 59-уй бошлиғи Евгения Ермогина. — Маҳалла идорасида барча маълумотлар ёзиб қўйилган. Сайловчилар фақат савол билан эмас, ўз таклифлари, фикр-мулоҳазалари билан ҳам мурожаат этмоқдалар.

Биз яна ушбу тумандаги «Туркистон» ва «Ракат» маҳаллаларида ҳам бўлиб тобора яқинлашиб келаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёни билан танишдик. Дарҳақиқат, фуқаролар ушбу муҳим жараённинг маъно-мазмунига тушуниб, эртанги куннинг оқсоқоли ҳар томонлама етук бўлишини ҳисобга олган ҳолда энг муносиб номзодларни танлаб кўрсатмоқдалар. Демак, фаоллик, бирдамлик бор экан маҳаллага муносиб оқсоқол ва маслаҳатчилар сайланиб, тинчлик-хотиржамлик, баҳамжиҳатликка замин ҳозирланади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Ракат» ва «Туркистон» маҳаллалари ишчи гуруҳи фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА КОНФЕРЕНЦИЯ, СЕМИНАР ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗИБ ТУРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

Бундай тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад — юртимизнинг турли чеккаларидан малака ошириш учун келган тингловчиларни қуйи палата фаолияти билан яқиндан таништириш, қонунларимизнинг жойларда бажарилиши ҳақида ахборот алмашиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик асослари юзасидан таклифларни муҳокама қилишдан иборат.

Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган навбатдаги семинар ҳам бунинг мисолидир. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари, жумладан, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари раислари, адвокатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш ҳамда судларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш юзасидан қўйилган вазифаларнинг ижросига асосий эътибор қаратилди.

Семинарда судларда жиноий ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш, дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назоратини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилигининг алоҳида нормаларини такомиллаштириш, жиноий ишларни кўриб чиқишда халқ маслаҳатчилари иштирокини таъминлаш, шунингдек, одил судловни амалга оширишда адвокатлар иштирокининг ҳуқуқий асослари юзасидан фикр алмашилди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири

«БАҲОР КАМАЛАГИ» ЖИЛОЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДА 28 АПРЕЛЬ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШҲТ)ГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАНДИ.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон делегациялари раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг Тошкент учрашуви самарали ўтганини алоҳида таъкидладилар.

Томонлар ШҲТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режани, Экспертлар ишчи гуруҳининг ШҲТ мамлакатлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган иш режасини, 2006 йил июнда Хитойда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивали тўғрисидаги низомни тасдиқладилар.

ШҲТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг «Баҳор камалаги» мавзуидаги рангтасвир ва амалий санъат кўргазмаси очилди. Бу маросимда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари М.Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШҲТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

«Баҳор камалаги» Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ШҲТ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат тасвирий ва амалий санъат намуналари алоҳида экспозицияларда намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг Ўзбекистон бўлимида етук рассомлар ва ёш ижодкорларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Афсона ва ривоятлар, замонавий саҳна кўринишлари ва безакли композициялар, анъана ва услубий изланишлар замонавий ўзбек тасвирий санъатига хос жиҳатлардир. Улар халқимиз тарихий ва маданий меросининг муҳим қисми ҳисобланган амалий-безак санъати намуналарида ҳам ўз ифодасини топган.

Россия экспозициясида замонавий рус қуроқчи усталарининг асарлари намойиш этилаётган бўлса, қадимий Хитой маданияти шинавандалари Фуцзянь вилояти рангтасвир санъати вакиллари асарлари билан танишиш имконига эга бўладилар.

Кўргазмадан жой олган тожик рассомларининг ишларида эса турли тасвирий усуллар орқали ҳозирги замон кишисининг мураккаб дунёқарашини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қозоғистон экспозициясидаги заргарлик, каштачилик, кўнчилик буюмлари, шунингдек, кигиздан ишланган композициялар миллий анъаналар давомийлигидан далолат беради. Қирғизистон вакиллари ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид расмлар, кигиз, чарм ва духобага ишланган анъанавий каштачилик намуналарини намойиш этмоқда.

«Баҳор камалаги» кўргазмаси ШҲТ мамлакатларининг ўзига хос санъат байрамига айланди. Таъкидламоқ керакки, «Баҳор камалаги» Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида ўтказилаётган ягона кўргазма эмас.

Бир неча кун бурун Ўзбекистон байналмилал маданият марказида «Хушманзара Хитой» мавзуидаги фотокўргазма ҳам очилган эди. Унда хитойлик фотоусталарнинг ўз юртининг бугунги куни ва тарихидан ҳикоя қилувчи ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Тошкент Давлат санъат институти фаолияти билан ҳам танишдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** «Алп Жамол» банкининг Юнусобод туман бўлимида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги «Ўрикзор» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда туман «Оила» маркази ҳамкорликларида «Оилада қайнонанинг ўрни» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида Абдулла Авлоний, «Ўрикзор», «Ракат» маҳаллаларининг фаол аёллари иштирок этишди.

● **БУГУН** «Кўйлиқ деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Эгали юрт эркини бермас» деб номланди.

● **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида бўлиб ўтган туман хотин-қизлар қўмитасининг раёсат йиғилишида жорий йилнинг ўтган уч ойида хотин-қизларнинг жамият ривожидаги ролини ошириш мақсадида бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 307-мактабда «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Соғлом оила — жамиятимиз негизи» деб номланди.

● **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раисалари, фаол аёллар иштирокида уюштирилган мулоқот тиббий саводхонликни ошириш масаласига бағишланди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Наврўз» маҳалласида яшовчи туғиш ёшидаги оналар, балоғат ёшидаги ўсмир қизлар, ногиронлар, кексалар Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳомийлигида тиббий кўрикдан ўтказилди.

● **БАДИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида санъат ихлосмандлари эътиборига Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари рассомлари томонидан яратилган асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Сенатор сўз сўрайди

ЮРТ ОБОДЛИГИ — МИЛЛАТ РАВНАҚИ

АЙТИШ ЖОИЗКИ, 2005 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРИХИДА МУҲИМ ЙИЛ БЎЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ШУ ЖУМЛАДАН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАМИЯТИМИЗДА ҲАМ, ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҲАМ ЙИРИК ВОҚЕА СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА. СЕНАТ ЎЗИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ЎТГАН ҚИСҚА ДАВР МОБАЙНИДА ПРОФЕССИОНАЛ ҚОБИЛИЯТИ АНИҚ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШ УСЛУБИНИ НАМОЁН ЭТДИ.

Икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлаганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Албатта тарих учун бу жуда оз фурсат. Аммо шу даврнинг ўзи парламентнинг қуйи ва юқори палаталари олиб борган фаолиятини сарҳисоб қилиш, қандай натижаларга эришганлигини хусусида мулоҳаза юритиш учун асос бўла олади.

Парламент муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида жамият ва давлат тараққиётининг йўналишлари —халқ билан давлат ҳокимиятининг ошкора мулоқотини таъминлаш, улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва воситаларини танлашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, парламент тизими давлат бошқарувини амалга оширишда, мукаммал қонунлар қабул қилишда ўзининг ижобий томонларини кўрсата бошлади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган маърузаси бу борада муҳим аҳамият касб этди. Ушбу маъруза жойларда чуқур ўрганилиб, унда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Юртбошимизнинг мазкур маърузаси янги давр, тараққиётимизнинг янги босқичи учун дастурламалдир. Ушбу мажлис ҳеч бир муболағасиз ўзбек парламентаризмининг ривожи ҳамда мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш йўлида муҳим ўрин тутди. Маърузада бир йил мобайнида эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар билан бирга, Сенат фаолиятидаги айрим камчиликлар ҳақида чуқур таҳлилий фикрлар баён этилди. Ўйлайманки, барча Сенат аъзолари Президентимиз нутқини чуқур таҳлил қилиб, уни амалда татбиқ этишимиз лозим. Ушбу нутқ ҳар бир Сенат аъзоси ва Сенат қўмитасининг ўз ишини қайта кўриб чиқиш, режаларни яна бир бор таҳлил этиш, юқори палата ишини кўпроқ ҳаёт билан узвий боғлаш ҳамда жамиятимизнинг сиёсий ривожида фаол қатнашишга ундайди. Маърузада, шунингдек Сенатнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тутган ўрнига, унинг самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилган. Президентимиз таъкидлаганидек, Сенат аъзоларининг аксарият қисми маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳисобланади. Улар ўзларининг иш фаолиятларидан ажралмаган ҳолда, Сенат аъзоси сифатидаги вазифаларни ҳам бажаради. Бу эса Сенат фаолиятига жойлардаги муаммолар ечими, аҳоли кайфияти, маҳаллий Кенгашлар томонидан амалга оширилаётган ишлар руҳини сингдиришда, маҳаллий Кенгашлар билан Сенат ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда қулай имкон яратади. Аммо очиқ айтиш керак, улар бундай имкониятдан ҳали тўлиқ фойдаланишаётгани йўқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги депутат халқ ишончини қозонган шахс, у маҳаллий Кенгаш депутати бўладими, Қонунчилик палатаси депутатими ёки Сенат аъзосими, олдинги вакиллардан тубдан фарқ қилиши лозим. «Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида кечираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олманг, марказда ёки узоқ яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, корхона, ташкилот ёки хўжаликларда бўладими — юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш ва янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамоқда. Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги куни учун катта умид ва ишонч туғдирмоқда. Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш — бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолди», дея таъкидлади Президентимиз.

Албатта бу вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлиснинг қуйи — Қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланади. Президентимиз белгилаб берган вазифаларни қалб амри билан сидқидилдан адо этиш ўзини юрт равнақи, миллат тақдирига дахлдор ҳис этган ҳар бир инсоннинг, шу жумладан зиёли инсонларнинг кундалик ишига айланмоғи зарур. Президентимиз ўз маърузаларида «Мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда, аввалambor меҳнат аҳли — у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес вакили ёки ишбилармон — ким бўлмасин уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимиз учун асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб этилади», дея уқтириб ўтди.

Шукрки, мамлакатимизда бугунги кунда инсон эрки етарлича таъминланган ва таъминланмоқда. Аёлларимиз эркаклар билан тенг асосда юқори лавозимларда меҳнат қиляпти. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаоллиги тобора ошиб бормоқда.

Мен Олий Мажлис Сенати мажлисларига Сенат аъзоси сифатида қатнашар эканман, сайловчиларим олдида албатта ҳисобдорлигимдан ҳаяжонга тушаман. Чунки бу ерда юзлаб, минглаб савол назари билан қараб турган ҳам қувончли, ҳам армонли ташвишли нигоҳларни кузатаман. Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзосиман. Шу соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳақида кўпроқ ўйлайман. Аёлларимиз ҳақ-ҳуқуқлари мамлакатимизнинг Бош Қомуси — Конституциясидан тортиб Меҳнат қонуни, Оила кодекси каби турли қонунлар билан ҳимояланган. Аёлларимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мавжуд қонунларимизни, халқаро конвенцияларни хотин-қизларимизга чуқурроқ тушунтириш мақсадида ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш куни деб белгилаганмиз. Шу куни Тошкент Давлат юридик институтининг малакали ҳуқуқшунос олимлари ва магистрантлари билан биргаликда маҳаллаларда,мактабларда, лицей ва коллежларда, корхоналарда турли тадбирлар ўтказяпмиз. Ишонамизки, бу албатта ўзининг ижобий самарасини беради. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш зарур, деб ўйлайман. Жамиятимизда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Айниқса хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган миллий, диний қадриятларни, анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий расм-русумлар ўтказилишида бошқош бўладиган аёлларнинг, кайвони онахонларнинг, «Анзират» бувиларнинг («Суюнчи» фильми бош қаҳрамони) имкониятларидан тўғри фойдаланиш лозим. Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкурасининг онгни заҳарлайдиган таъсиридан, гиёвандлик ва бошқа салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш, ёш авлод тарбиясига, айниқса ўсмир ёшдаги қизларни турмушга тайёрлаш, оналар ва болалар саломатлигига эътибор қаратиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ажралишларнинг олдини олиш каби вазифалар хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши керак. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда айниқса ҳозирги кунда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи аёлларнинг ўрни алоҳида бўлиши аҳамиятлидир. Хотин-қизларнинг маънавияти ва маърифатини юксалтириш, диний ва умуммиллий қадриятларимизни қадрлашга доир маданий-маърифий тадбирларни кўплаб ташкил қилиш зарур. Айрим ҳолларда бепарволик, лоқайдлик натижасида дуч келинаётган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда жуда кўп аёлларимиз тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлашади. «Аёллар йили»да тадбиркорликка қўл урган аёлларга имтиёзли кредитлар берилган ва бу ўзини оқлаган эди. Менимча яна шундай кредитларнинг йўллари ўйлаб кўрилса айни муддао бўларди. Албатта банкдаги ҳар бир сўм ҳисобда. Ҳар бир сўмни беришнинг қатъий қонун-қоидалари бор. Лекин, аёлларга имтиёзли кредит беришнинг йўлларини яна ва яна ўйлаб кўриш керак, деган фикр мени ҳамиша ўйлантиради. Чунки, оила бекасининг хонадон ва давлат бюджетини бойитиши жуда катта маънавий, ижтимоий моҳият касб этади.

Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Миллат дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир» деган пурмаъно сўзларини эслаш ўринлидир. Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашга, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишга бел боғлаган инсонларни, юртпарварларни келгуси авлодлар ҳам ардоқлаши шубҳасиз. Зеро, юрт ободлиги — миллат равнақидир.

Фарида АБДУРАҲИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Исроилдаги «Diamond and jemelessy Vlem» компанияси янги асбоб ишлаб чиқарди. Унинг ёрдамида ультратовушли энг янги технологияларни қўллаган ҳолда интернет орқали бирор олмоснинг ҳақиқий кўринишини жўнатиш мумкин. «Жеймкоф» деб номланган янги асбоб тошнинг ҳажмли суратини юқори сифатли қилиб туширади ҳамда компьютер дисплейга ўтказади. Бунда экранда нуқсонлар ҳам, у билан боғлиқ бошқа зарур ахборот ҳам пайдо бўлади. Компьютердаги суратни ўн мартагача катталаштириб кўриш пинцет ва лупа ёрдамида олмосни визуал томоша қилишни эслатади. Бунда тошни турли томондан жуда катталаштирилган ҳолда кўриш мумкин.

Компания раиси Игаль Ойзманнинг ҳикоя қилишича, бу пайтга қадар бутун дунёда олмос сотувчи агентлар товар харид қилиш учун олмосларни қайта ишлаш марказлари, масалан, Рамат Гандаги олмос биржасига шахсан келишлари шарт эди. Бу билан бир вақтда компьютер тармоғи ёрдамида харид қилиш ортиқча харажатларни қисқартириш ҳамда умуман олмос олди-сотдиси ҳажмини ошириш имконини беради. Олмос савдоси билан шуғулланадиган агент интернетдаги тегишли сайтга кириб, ўзини қизиқтирадиган тош турини танлайди, компьютерда излаш тизими эса товарнинг барча турларини намойиш қилади. Бундан ташқари, ушбу тизим ёрдамида аниқ бир тошни ҳам кўриш мумкин.

● АҚШлик муҳандис Эрик Реймонд ўзи ясаган «Сан Сикер» мотопланерда Калифорниядан Шимолий Каролинагача бўлган 6400 километр масофани бир неча марта дам олиб учиб ўтди. Реймоднинг жуда ҳам енгил учувчи аппаратига ҳеч қандай ёнилғининг кераги йўқ. Чунки у аппаратнинг устини фотоэлектрик хусусиятига эга бўлган юпқа плёнка билан қоплади. Натижада қуёш энергияси ҳаво винтини ҳаракатга келтириб, учувчи аппарат юқорига осон кўтарилади. Маълум баландликдан кейин ҳаво винти тўхтатилиб, оддий планер каби ўз парвозини керакли йўналишда давом эттиради. Яъни, ҳаво оқими уни ҳаракатлантиради. Фақат қуёш чиқиб турганда осмонга парвоз қилиш мумкин. Қўнишда қуёш энергиясининг кераги йўқ. Бўлутли шароитда ҳам бемалол шикастсиз, кичик жойга ҳам қўна олади.

● Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида яшовчи селекционер Пётр Корушопов товуқлар устида олиб борган кўп йиллик селекция тажрибалари натижасида ушбу парранданинг янги турини яратди. Бу товуқлар қишин-ёзин ҳам тухум қилиб, тухуми думалоқ бўлмай, квадрат шаклидадир. Квадрат тухумда оддий тухумдаги барча хусусиятлар бор. Бу тухумнинг пўстлоғи анча қалинроқ. Уни яшикларга жойлаш, автоматлаштириш жуда ҳам қулай, йўл ва транспорт харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Бирор жойга элтиш пайтида синмайди, ҳар ҳолда сингани жуда кам бўлади. АҚШлик паррандачилик мутахассислари шу кунлари бу тухумнинг ҳар бир донасига 150 АҚШ доллари тўлашга рози. Чунки улар бу тухумдан янги жўжалар очириб, ўзларида кўпайтириш тараддудига тушиб қолишди.

●Стамфорд университети ўқитувчиси Пенан Паттерсон ўн йил давомида иккита горилла билан машғулот ўтказиб келмоқда. Како лақабли урғочи маймун яхши натижаларга эришяпти. У деярли мингга яқин сўзни «тушунади» ва уларни кар-соқовларга ўхшаб тушунтира олади. Мишель лақабли эркак маймуннинг эса «сўз бойлиги» анча камроқ. Шуни айтиш керакки, иккала горилла ҳам машғулот давомида сурат чизишга қизиқиб қолган. Улар ҳатто унча катта бўлмаган суратлардан нусха ҳам кўчира оладилар.

● Бундан миллион йил илгари яшаган улкан ҳайвон — динозаврнинг излари Бразилиянинг Фараиба штатида топилди. Бу ҳайвоннинг излари қотиб кетган ботқоқликни қазиш натижасида аниқланди. Олимларнинг эътироф этишларича, из қолдирган динозаврнинг узунлиги 10 метр бўлиб, панжаларининг изларидан ва бошқа органларнинг қолдиқларидан унинг оғирлигини бемалол аниқлаш мумкин. Бразилиянинг «Вежа» журнали динозаврнинг Африкадан Шимолий-Шарққа томон келганлигини ёзади. Маълум бўлишича, юз миллион йил илгари Африка ва Жанубий Америка бир қитъа бўлган экан.

● Флорида штатининг илонхоналаридан бирида узунлиги бир метрга яқин икки бошли сув илони бир неча йилдан бери сақлаб келинади. Яқинда бу илон уч ёшга тўлди. Кўп сонли сайёҳлар эътиборини қозонган ва илон заҳарини йиғиш билан шуғулланадиган бу илонхона икки бошли ноёб нусха илонни бир мактаб ўқувчисидан 50 долларга сотиб олган эди. Ўша вақтда бу илонча ҳаммаси бўлиб, 15 сантиметр узунликда эди. У бир кунда олти марта овқатланади. Ўз емишини излаётганда икки боши баравар ҳаракат қилади. Бироқ, кузатувчилар баъзи бир вақтларда унинг чап боши кўпроқ фаол ҳаракат қилишини аниқладилар.

●АҚШнинг космик тадқиқотлар маркази НАСА келажакда космосда никоҳ тўйи ўтказишни режалаштираётганини эълон қилди. Ўтказилган танловга кўра 23 ёшли Дилан Тэйлор ва унинг қаллиғи Хэрприт Матчерлар ғолиб бўлишди. Уларга ҳақиқий космонавтларга хос талаблар қўйилди ва ёшлар буларни юз фоиз кам-кўстсиз амалга оширдилар. Махсус курс учун уларнинг ҳар бири 100 минг доллардан пул тўлади. Коинотда ўтказиладиган тўй космик кемасининг учирилиши яқин кунларга мўлжалланди. Сайёрамиздан 60 миль баландликда ўтказиладиган ушбу ғаройиб тантанани Британиянинг «Орзумандлар учун жаннат» деб номланган агентлиги уюштирмоқда.

● Англияда бильярд энг оммавий ўйинлардан бири ҳисобланади. Айтишларича, бу ерда бильярдни 300 йилдан буён ўйнашар экан. Албатта, вақт бу қадимий ўйинга ҳам ўзгача янгиликларни киритган. Масалан, Кент деган шаҳарда жуда катта аквариум қурилган бўлиб, унинг ости бильярд ўйнаш учун махсус безатилган. Бу ерда ашаддий ўйинчилар бир-бирлари билан ҳеч қаерда учрамайдиган муҳитда беллашишлари мумкин. Шу билан бирга улар жисмоний жиҳатдан пухта ҳозирланган бўлишлари керак. Чунки ўйинчилар оғир акваланг кийиб ҳаракат қилишлари лозим.

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ БУГУНГИ КУНДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА.

Давлат дастури — амалда

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОПШИРИЛАДИ

Дастурда мактаб таълими тизимини тубдан яхшилаш, замон талабига мос таълим стандартлари ва ўқув-моддий негизни шакллантириш, болаларнинг яхши билим олиши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат қабул қилинганидан буён республикамизда элликдан зиёд янги умумтаълим муассасалари барпо этилди, кўплаб мактаблар реконструкция қилинди, тубдан ва жорий таъмирдан ўтказилди.

Пойтахтимизда ҳам бу борадаги ишлар анча салмоқлидир. Хусусан, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига кўра, янги ўқув йилига 16 та мактаб капитал, 19 таси жорий таъмирдан чиқарилади, учта мактаб тубдан реконструкция қилинади ҳамда Юнусобод туманида битта янги мактаб қурилади.

Бу борада қурилиш-таъмирлаш ишларига энг муносиб ташкилотларни жалб этиш мақсадида 2005 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида тендер ўтказилиб, шаҳримизнинг 40 дан зиёд қурилиш-тиклаш, монтаж ишларини тез ва сифатли бажарадиган, энг муҳими, ўз айланма маблағларига эга ва ҳар томонлама ишончли ташкилотлар танловда ғолиб бўлган. Шулар қаторида «Кредо» хусусий фирмаси ҳам бор.

Шу кунларда ушбу қурилиш ташкилоти Юнусобод туманидаги 105-мактабда реконструкция ишларини амалга оширмоқда.

60 йил илгари қурилиб, анча путурдан кетган бу умумтаълим муассасасида айни пайтда 40 нафардан ортиқ турли мутахассисликдаги қурувчилар икки босқичда иш олиб боришмоқда. Шу боис ўқув жараёни вақтинча шу атрофдаги 239-мактабда давом этмоқда.

— Мактабимизда мингга яқин ўғил-қизлар таҳсил олади ва шуни айтиб ўтиш керакки, бизда болажонларимиз учун барча керакли шарт-шароитлар мавжуд эмасди, — дейди мактаб директори Мирзаахмад Комилов. — Икки-уч қаватли бинолардан иборат бўлган мактабнинг эшик-дераза ромлари, иситиш ва ёритиш воситалари деярли яроқсиз ҳолатга келиб, аксарият жиҳозлар ҳаддан ортиқ эскирган, деворлар эса зах тортиб кетганди. Реконструкция ишлари учун давлатимиз томонидан 139,5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Эндиликда мактабимиз биноси мутлақо янги замонавий қиёфага эга бўлмоқда. Фарзандларимиз ниҳоят кенг ва ёруғ синфларда ўқиш имкониятига эга бўлади. Улар ихтиёрида компьютер хоналари, кутубхона, спорт зали бўлади.

Маълум бўлишича, даставвал мактабни реконструкция қилиш лойиҳасига синф хоналарининг шифт қисми, бинодан ташқарида жойлашган ошхона ҳамда ҳовли ҳудудини ободонлаштириш ишлари киритилмаганди. Реконструкция ва таъмирлаш ишлари давомида мактабнинг ташқи ва ички кўринишини тубдан яхшилаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан халқ таълими бўлими билан биргаликда қўшимча имкониятлар изланмоқда.

Жиҳозлаш масаласи ҳам тўлиқ ечимини топган. Чунончи, «Файз» холдинг компанияси — ўқитувчи ва ўқувчилар учун 130 дан зиёд стол-стул тўплами ва саккизта доска, «Эл-холдинг» масъулияти чекланган жамияти — кимё ва биология синфхоналарига мўлжалланган махсус мебель ва асбоб-ускуналар етказиб бериш мажбуриятини олган.

Янги ўқув йилига топширилиши режалаштирилаётган бу мактабнинг мисолида шуни яна бир бор таъкидлаб ўтиш ўринлики, ўсиб келаётган авлоднинг порлоқ келажаги йўлида қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар келажакда албатта ўз самарасини беради.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Таълим

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АМАЛДА БЎЛГАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ БАЖАРА БОРИБ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ШАҲАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИ КАСБ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, ДАРС САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА.

Институт ходимлари тингловчилар билан ўтказиладиган маъруза, семинар-тренинг ва амалий машғулотларга замонавий педагогик технология кўринишларини дадил татбиқ этиб келмоқдалар. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Истеъдод» жамғармасида «Маънавият ва маърифат асослари», «Ахборот технологияси ва масофали ўқитиш», «Инновацион технологиялар» йўналишлари бўйича ташкил этилган кўрсларда таҳсил олдик. 120 соатга мўлжалланган ўқув режа асосида малака оширдик. Унда бир гуруҳ мутахассислар – Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг 15 нафар ўқитувчи ва услубчилари қатнашди. Малака ошириш кўрслари давомида тизимдаги ўзгаришлардан, янгиликлардан хабардор бўлдик. Тажрибаларга кўра, талаб бор жойда сифат ва самарадорлик ўз натижасини беради. Айнан шу институтда ушбу қоидага қатъий амал қилинганлигининг гувоҳи бўласиз. Назарий ва амалий машғулотлар аниқ режа, муайян талаб ва тартибга кўра 3 та йўналиш асосида олиб борилди. Шу боис бир дақиқа ҳам вақтимиз бекорга кетмади. Айниқса, дарсларга Республикамизнинг илғор иш тажрибаларига эга бўлган энг малакали мутахассис ўқитувчилари жалб этилганлиги бизни қувонтирди. Улар дарс давомида бизларга бир вақтнинг ўзида олган назарий билимларимизни амалиётда қўллашимизни, ўз-ўзимизни баҳолашимиз имкониятини яратдилар. Ҳафтанинг дастлабки кунларидаёқ биз «Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш» йўналишидаги машғулотларда сабоқ олдик. Унда ахборот технологиялари тарихи, масофали ўқитишнинг қулайлик ҳамда афзалликлари, шунингдек, унинг имкониятлари тўғрисида маълумотлар олдик. Шу билан бир қаторда, Интернет тармоғида ишлашни ўргандик. Ўз иш фаолиятимизга доир маълумотлар тўплашни, электрон почта орқали маълумотларни узатишни, ахборот алмашишни, сайтлар яратишни ўзлаштирдик.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида «Маънавият ва маърифат» йўналишига оид тарихий маданиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизга оид билимларимизни мустаҳкамладик ва ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоблар олдик.

Моҳир педагог Р.Ишмуҳамедовнинг «Инновацион технологияларда интерфаол усулларни қўллаш» мавзуидаги дарси ўзининг мазмун жиҳатидан жуда серқирралиги, ҳар соҳа мутахассисларининг касб маҳорати, билим савияси, алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузилганлиги, турли иш услублари орқали ҳар бир тингловчини фаоллаштирганлиги билан иштирокчилар қалбида илиқлик пайдо қилди. Жумладан, биз якка-якка тарзда, жуфт-жуфт бўлиб, гуруҳларга бўлиниб ишлаш натижасида тегишли мавзулар доирасида хулоса чиқардик.

Таълим жараёнида бу каби инновацион кўринишларни кенг қўллаш тингловчиларни нафақат фаоллаштириши, балки, ўзлаштириш самарадорлигини ҳам оширишини ҳис қилгач, келгусида ўз иш тажрибамда фойдаланишни асосий мақсад қилиб қўйдим. Бунинг учун инновацион иш кўринишларини ўз мутахассислигимга мослаштириб, «Ақлий ҳужум», «Кластер» услублари ҳамда «Резюме», «Бумеранг», «Лойиҳалаштириш» ва «3 х 4» технологияларининг ишланмаларини туздим. Мазкур кўринишдаги семинар-тренинглар тингловчилар билан ўтказилганда уларнинг фаоллиги такомиллашди, мустақил фикрлаш қобилиятлари мустаҳкамланди, ўз касбига нисбатан қизиқишлари янада ошди. Шуни таъкидлаш лозимки, тингловчилар орасида ўтказилган анкета-сўровнома натижаларига кўра, шу усул-услубларни қўллаб уюштирилган тренинг машғулотлари уларга кўпроқ маъқул келганлиги, амалда улардан фойдаланиш йўлларини янада чуқурроқ ўрганиш истаги борлиги аниқланди. Кўрс ниҳоясида тингловчилар амалиётда шу усул ва услубларни қандай қўллашларини мустақил равишда ҳимоялашди – болалар билан олиб бориладиган таълим –тарбиявий жараёнда «3 х 4», «Резюме», «Лойиҳалаштириш» технологияларини татбиқ этиш йўлларини намойиш қилдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим жараёни самарадорлигини оширишда шу каби ўйин, услуб ва технологияларни ўринли қўллаш - давр талабидир.

Зуҳра ФАЙЗИЕВА,
Тошкент шаҳар халқ таълими педагог кадрларни тайёрлаш ва малака ошириш институтининг мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси, «Халқ маорифи аълочиси»

Маҳалланг — ота-онанг

АНЪАНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ҲИСОБЛАНГАН ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИНИНГ ЭНГ ЁРҚИН КЎРИНИШИ– МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.

Маҳалла ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кунга ошиб бораётганлигини барчамиз кўриб турибмиз".

Ўзбекистон халқининг дунёда тан олинган демократик тамойиллар асосига қурилган ҳаёт йўналишини акс эттирувчи Конституциямиздаги моддалардан бири ҳам илк бор маҳалла институтига бағишланган. Фақатгина халқ ичидаги урф-одат, анъаналар даражасида баҳоланиб келган маҳалла ҳаётининг Асосий Қомусимизга киритилиши мамлакатимиз мустақиллигининг ҳақиқий кўринишларидан, катта ютуқларидан бири десак хато қилмаймиз.

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга.

Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Биз Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида савдо-ҳунармандчилик мавзеларини ифодаловчи арабий калима - «маҳалла» атамасини Шарқ илк Уйғониш босқичида яратилган манбаларда биринчи марта учратамиз. Жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида. Фаробий замонида эса қонун, бошқарув ва жамоа(маҳалла) раҳбарлари билан боғлиқ масалалар кўпроқ «сиёсат» атамаси билан уйғун келар эди. Ўша давр учун сиёсатчи, бу — одамларнинг бошини қовиштирувчи, ўз ортидан эргаштирувчи сардор бўлиб, муайян ҳокимият соҳиби бўлиши лозим. У ўзини бутунича умумманфаат мақсадларига онгли бахш этиши, қарорлар қабул қилиб, уларни адо этувчи, яъни зиммасидаги бошқарув масъулиятини уддалай олувчи кишидир. Шундай «сиёсатчи»ларгина, жумладан, қавм, уруғ, жамоа бошлиғи, ҳозирги замон атамаси билан айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раис (оқсоқол)лари бўлиши мумкин. Мабодо у мазкур талабларга жавоб бера олмаса, демак, одамлар жамоасини бошқара олмайди, демак, у раис (оқсоқол) бўла олмайди, яъни Фаробий талқинида «Қонунни ўрната олмайди».

Фозил шаҳар кишилари онгли, яъни қонунга бўйсунувчи фозил фуқаролар сифатида ўз имкониятлари ва интилишларини, мақсад ҳамда орзу-ниятларини муштарак якдиллик орқалигина баҳамжиҳат бўлиб амалга оширишлари мумкинлигини таъкидлаган мутафаккир ўз сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида «фозил шаҳар», яъни маҳалла (ўзини ўзи бошқариш), давлат қурилиши муаммоларига эътиборини қаратади. Буни жамоа бошқаруви деб бемалол атаса бўлади. Зотан, фозил шаҳар - давлат (демак, маҳалла ҳам) фозил жамоа, унда яшовчиларнинг табиатига мос бирлашма - уюшма бўлгандагина бошқарув ва бирлашувнинг жамоат тизимига эга бўлади. Жамоа бўлиб яшаган шаҳар (давлат)гина ривож топади, тараққий қилади, қудрат касб этади, саодатга эришади.

Дарҳақиқат, фозил ва комил тарих гувоҳлик берганидек, айнан маҳаллий жамоада эркин элу улуснинг кучи ўз ифодасини топади ва у демократия ўрнатилишида беқиёс роль ўйнайди.

IX аср тарихчиси Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида Бухорои Шарифда бундан 1100 йиллар олдин ҳам маҳаллалар, гузарлар мавжудлиги қайд этилади.

Шарқ илк Уйғониш давридаёқ шаҳарлардаги савдо-ҳунармандчилик гузарлари, кейинчалик эса уй-жой мавзелари «маҳалла» деб атала бошлаган замонларда арабча «жой» маъносини билдирган «мазъаллун» шаҳарнинг табиий шаклланган муайян бир қисмини билдирувчи асл маъносидан ташқари, шаҳарнинг шу мавжуд қисмида истиқомат қилувчилар ҳудудий жамоаси маъносида кўпроқ фойдаланилган.

Маҳалла ўша даврда маъмурий-чегара бирликка эга эди. Аҳоли ўзига хос жамоага бирлашиб, ўзаро ёрдам ришталари билан боғланган. Жамоа ҳаётда, оилавий маросимларда, ҳашарларда намоён бўлган. Ҳар бир маҳаллада жамоа маркази бўлиб, унга масжид, чойхона, бозорча ва карвонсаройлар кирар эди.

Маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркиби бир хил бўлмаган: бир мавзеда бойлар билан камбағаллар, аслзодалар билан оддий халқ ёнма-ён яшайверган. Маҳалла аҳолисининг таркиби ҳар қанча хилма-хил бўлмасин синфий тенгсизликка, касб жиҳатдан уюшмаганлигига қарамай, шахсий алоқалар, муштарак манфаатлар ва мажбуриятлар, умумий ишларда иштирок этиш орқали маҳалла жамоасига бирлашган. Маҳалла ҳаётининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқарди. Маҳаллага сайлаб қўйиладиган оқсоқол бошчилик қилган. Турли манбаларнинг гувоҳлик беришича, нолойиқ одамларни сайлаб қўйиш жамоага кўп ноқулайликлар ва кўнгилсизликлар келтиришини яхши тушунган аҳоли оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлашга ҳамма вақтда ҳам жуда жиддий муносабатда бўлган. Оқсоқол шаҳар маъмурлари олдида маҳалланинг расмий вакили ҳисобланган, шу сабабли оқсоқол улар томонидан тасдиқланган.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришгандан кейин маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари ўрнатилди. Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ кўпгина масалалар билан бир қаторда маҳалла оқсоқолларини сайлаш тартибларига оид қоидалар бу борадаги тарихий тажрибаларимиз ва анъаналаримизга мос ҳолатда ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талабларда бунинг ифодасини кўриш мумкин: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас."

Айни шу кунларда мамлакатимизда мавжуд тўққиз ярим мингдан ортиқ фуқаролар йиғинларида раислар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашга тайёргарлик жараёни қизғин кечмоқда. Бу жараёнда қонунда белгиланган талаблар билан бир қаторда, минг йиллар давомида шаклланган тарихий тажриба ва анъаналаримизга ҳам суяниш келажакда маҳалла ҳаётини тўғри йўналтиришга, унинг фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган муносиб оқсоқол ва унинг масалаҳатчиларини сайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳмуд НАЖИМОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти,
юридик фанлари номзоди.
Фаррух АКРОМОВ,
ТДЮИ талабаси

Таълим

КОРХОНАДА УНИВЕРСИТЕТ КАФЕДРАСИ

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЎЗ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА. ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҲАМ ЯХШИ САМАРАЛАР БЕРМОҚДА.

Бўлажак алоқачилар амалий кўникмаларини ошириш мақсадида филиал негизида университет кафедрасининг очилиши ҳам айни муддао бўлди.

Бу ерда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг мутахассислари учун ўқув машғулотлари ҳам йўлга қўйилди. Айни вақтда кафедрада раҳбар ходимлар ўз малакаларини оширмоқдалар.

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪРУЗАЛАР

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА КЎПГИНА ИБРАТЛИ ИШЛАР БАЖАРИЛМОҚДА. АНА ШУ ҚОНУН ДОИРАСИДА ЕТАКЧИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ОЧИҚ МАЪРУЗАЛАР КУНЛАРИ ҲАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўрсатмаси асосида ташкил этилган бундай тадбир кафедралар илмий изланишлари натижаларини оммалаштиришда кўл келди. Экология ва сув ресурсларини бошқариш, Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси, Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти каби кафедралар олимлари томонидан ўтказилган маърузалар докторлар, аспирантлар ва магистрларда яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, конструкцион материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш кафедраси томонидан қизиқарли маърузалар тайёрланди.

МАЛАКАЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ЧЕТ ТИЛИ ВА МУТАХАССИСЛИККА ДОИР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЎҚУВ КУРСЛАРИ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган Хитой компаниялари ўқув марказларида ҳам таълим ишлари кенг йўлга қўйилмоқда.

«Хуамел» компанияси томонидан эса ахборот технологияларига доир машғулотлар ҳам уюштирилмоқда. Бир йўла юз нафар талаба бир вақтнинг ўзида курсни тинглаш имкониятига эга.

Бу ерда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар ва пойтахт вилоятидаги мутахассислари ҳам малакаларини оширмоқдалар.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

МАЙ ОЙИДА БОШЛАНАДИГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁН КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

Ушбу сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмун-моҳият билан бойитиш баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга демократик қадриятларнинг жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиз отишига, энг муҳими, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланган ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ҳамда ваколатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Куни кеча «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида »Ўзбекистон Республикасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент Давлат юридик институти ректори, Сенат аъзоси М.Рустамбеков, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова ТДЮИ «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси И.Беков, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Р. Чориев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик палатаси мутахассиси Г.Маликовалар сўзга чиқдилар.

«Ўзбекистон Республикасида фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоллари) ва маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари», «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг конституциявий ҳуқуқий мақоми» мавзуларида сўзга чиқиб жумладан шундай фикрларни билдирдилар. Бу сайловни ўтказиш кенг қамровли ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Аввало, жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилди. Бу комиссиялар тегишли ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашининг қарорига биноан ташкил этилди. Тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, ирқи ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумотидан қатъи назар, сайловда тенг сайлов ҳуқуқи принципини рўёбга чиқаришдаги ўзига хос усулдан фойдаланиши мумкин. Яъни бунда фуқаролар ўзларининг вакиллари орқали сайловда билвосита иштирок этадилар. Яна шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари комиссиялар таркибида бўлишига йўл қўйилмайди. Кўмаклашувчи комиссиялар қонунда белгиланган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш, тегишли гуруҳ фаолиятини йўналтириб боришни ташкил этиш каби масалаларга эътибор қаратишади.

Давра суҳбатида Тошкент Молия институти, Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат Авиация институти ўқитувчилари ва талабалари, «Агитатор» ҳуқуқий-тарғибот клуби аъзолари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, мазкур шаҳарча ҳудудида жойлашган коллеж ва лицейларнинг ўқувчилари иштирок этдилар. Фикр-мулоҳазалар, мушоҳада ва баҳсларга бой давра суҳбати барча йиғилганларга манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Хотира уйғонса гўзалдир

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР ЭДИ

ИНСОН УМРИНИ ОҚАР ДАРЁГА ҚИЁСЛАЙМИЗ. МАЗМУНЛИ, ИБРАТЛИ УМР КЕЧИРИБ, ҲАЁТИНИ ЭЗГУЛИККА, ЯХШИЛИККА БАХШИДА ЭТГАН ИНСОНЛАРНИНГ НОМИ ДОИМО ХОТИРАЛАРДА УЗОҚ ЯШАЙДИ.

Ўзбек адабиётида ўз асарлари билан нурли из қолдирган ҳассос шоир ва ёзувчи Мирмуҳсин ҳам мазмунли умр кечирди. Ҳаёт ва адабиётни изчиллик ҳамда синчковлик билан кузатган, ўрганган Мирмуҳсин ўзини катта асарлар ёзишга тайёрлаб борди. Кейинчалик улуғ мутафаккирларнинг ўз ижодига кўрсатган беқиёс таъсирини ҳаяжон билан эслаб шундай деган эди: «...уларнинг шуъласи менинг ҳар бир босадиган қадамим изини ёритди, бу шуъла мен учун қуёш янглиғдир». Бу адибнинг ўзи сув ичган серқирра ёзувчилардан. Унинг болалар адабиётини ривожлантиришдаги ҳиссаси ҳам катта бўлди. Болаларга бағишлаб ёзган ўнлаб китобларида жаҳон болалари дўстлигини, уларнинг бошида ҳамиша мовий осмон туришини, болалар ўз замонларига ва келажакка муносиб фарзандлар бўлишларини тарғиб этди. Адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларни сезгирлик билан илғаб, уларга хайрихоҳгина эмас, чинакам устоз бўлди. Бутун умри заҳматли меҳнат ва ижод билан ўтган Мирмуҳсин ҳозир ҳаёт бўлганида 85 ёшни қаршиларди. Адибнинг 1000 йиллар олдин ҳам маҳаллалар, гузарлар мавжудлиги қайд этилади.



Шарқ илк Уйғониш давридаёқ шаҳарлардаги савдо-ҳунармандчилик гузарлари, кейинчалик эса уй-жой мавзелари «маҳалла» деб атала бошлаган замонларда арабча «жой» маъносини билдирган «мазъаллун» шаҳарнинг табиий шаклланган муайян бир қисмини билдирувчи асл маъносидан ташқари, шаҳарнинг шу мавжуд қисмида истиқомат қилувчилар ҳудудий жамоаси маъносида кўпроқ фойдаланилган.

Маҳалла ўша даврда маъмурий-чегара бирликка эга эди. Аҳоли ўзига хос жамоага бирлашиб, ўзаро ёрдам ришталари билан боғланган. Жамоа ҳаётда, оилавий маросимларда, ҳашарларда намоён бўлган. Ҳар бир маҳаллада жамоа маркази бўлиб, унга масжид, чойхона, бозорча ва карвонсаройлар кирар эди.

Маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркиби бир хил бўлмаган: бир мавзеда бойлар билан камбағаллар, аслзодалар билан оддий халқ ёнма-ён яшайверган. Маҳалла аҳолисининг таркиби ҳар қанча хилма-хил бўлмасин синфий тенгсизликка, касб жиҳатдан уюшмаганлигига қарамай, шахсий алоқалар, муштарак манфаатлар ва мажбуриятлар, умумий ишларда иштирок этиш орқали маҳалла жамоасига бирлашган. Маҳалла ҳаётининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқарди. Маҳаллага сайлаб қўйиладиган оқсоқол бошчилик қилган. Турли манбаларнинг гувоҳлик беришича, нолойиқ одамларни сайлаб қўйиш жамоага кўп ноқулайликлар ва кўнгилсизликлар келтиришини яхши тушунган аҳоли оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлашга ҳамма вақтда ҳам жуда жиддий муносабатда бўлган. Оқсоқол шаҳар маъмурлари олдида маҳалланинг расмий вакили ҳисобланган, шу сабабли оқсоқол улар томонидан тасдиқланган.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришгандан кейин маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари ўрнатилди. Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ кўпгина масалалар билан бир қаторда маҳалла оқсоқолларини сайлаш тартибларига оид қоидалар бу борадаги тарихий тажрибаларимиз ва анъаналаримизга мос ҳолатда ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талабларда бунинг ифодасини кўриш мумкин: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас."

Айни шу кунларда мамлакатимизда мавжуд тўққиз ярим мингдан ортиқ фуқаролар йиғинларида раислар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашга тайёргарлик жараёни қизғин кечмоқда. Бу жараёнда қонунда белгиланган талаблар билан бир қаторда, минг йиллар давомида шаклланган тарихий тажриба ва анъаналаримизга ҳам суяниш келажакда маҳалла ҳаётини тўғри йўналтиришга, унинг фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган муносиб оқсоқол ва унинг масалаҳатчиларини сайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳмуд НАЖИМОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти,
юридик фанлари номзоди.
Фаррух АКРОМОВ,
ТДЮИ талабаси

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

ҲАР БИР ФАРЗАНД — ЭЪТИБОРДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ, РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЕТИМ ВА ОТА-ОНАЛАР ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда ҳуқуқ- тартибот органлари, васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари, Меҳрибонлик уйлари вакиллари, ўқитувчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг изчиллик билан амалга оширилаётгани янги таълим дарғолари барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, таълим сифатини ошириш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда юртимиздаги мавжуд салкам ўн мингга яқин мактабда олти ярим миллион нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Шу билан бирга мавжуд барча меҳрибонлик уйлари, ихтисослашган махсус мактаб- интернатлар, санаторий тоифасидаги таълим муассасаларида ота-она меҳридан бебаҳра, тиббий кўмакка муҳтож болалар таҳсил оляпти. Соҳада кечаётган ислоҳотлар жараёнида айнан эҳтиёжманд ўқувчиларни ижтимоий муҳофазалашга катта аҳамият қаратилаяпти. Юртимизда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган қатор ижтимоий дастурлар изчиллик билан амалга оширилаётир.

Жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш баробарида асосий эътибор уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий мослашувига қаратилиб, давлат идоралари, вазирликлар, мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари билан «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси фаол шуғулланмоқда. Мазур жамғарманинг мутасадди ташкилотлар билан яқин ҳамкорлиги натижасида ана шундай тоифа болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини кучайтириш имкони тобора кенгаймоқда.

Уч кун давом этган семинарда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни ҳуқуқий ижтимоий ҳимоялаш чораларини янада такомиллаштириш, тегишли ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасида бу борадаги ҳамкорликни кучайтиришга оид маърузалар тингланиб, машғулотлар ўтказилди.

ЎзА

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОНАИЗОР

Кўчада бир боланинг йиғлаб кетаётганига кўзим тушди. Уни овутмоқчи бўлдим, дарҳол сўрадим:

— Болагинам, нега йиғлаяпсан?

— Ойимлар бир шапалоқ урдилар...

— Энди қаёққа кетаяпсан?

— Ойимларнинг ёнларига.

Она — адабиётимиздан ҳам бир шапалоқ ейдиганлар бор, нолимасдан Она ёнига боришларини маслаҳат бераман.

УЗОҚҚА БОРМОҚЛИК...

Югурганлар эмас, шошмай пухта тайёргарлик кўрганлар узоққа борадилар. Ватан шаън-шавкатини баланд кўтара оладилар.

Жаҳл билан курашга тушган худбин полвон албатта йиқилади. Димоғдорликдан воз кеч. Ҳушомадгўйлар мақтовидан қўрқ! Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, бу чиндан-да ҳикматдир, қадрига етганлар узоққа борадилар.

* * *

Пилла ҳам, бузоқбоши ҳам қурт, кўринишига қараб баҳолама, бири — инсонга бебаҳо ипак беради, бири — мева дарахтининг илдизини кемириб қуритади.

* * *

«Чангу ғубор бўлмаганда инсон минг йил умр кўрарди», — деган эди Абу Али ибн Сино. Эй, буюк олим, ҳасаду асаб деган нарса бўлмаса-ю инсон юз йил яшаганига не етсин!

* * *

Қуёш ҳамма ерга бир хил нур сочгани билан гулзордан гул, мағзавадан сассиқ алаф гиёҳи униб чиқади. Ҳа, фарзандининг безорилиги учун ота-она ҳам жавобгар, гарчи аччиқ бўлса ҳам бу сўзни айтамиз.

* * *

Китоб ўқимайдиган кимса, гапнинг очиғи — шўримиз. У на санъату адабиёт ва дўстлари қадрига етади.

* * *

Бир кимса каминага савол бериб, «Сиз минг йил аввал ўтган Хоразмшоҳлар жангидан Жалолиддин Мангуберди ҳақида ва «Темур Малик», «Турон маликаси» романларини, етти юз йиллик «Меъмор» романи, уч минг йиллик «Широқ» достонини ёзиб нима демоқчисиз?» деди. Мен унга шундай жавоб қилдим: «Уч минг йиллик тарихим илдизи етиб келган экан, биз кейинги уч минг йилларга ҳам етиб борамиз, демоқчиман».

ҲАММА ВАҚТ МЕН СОҒУ САЛОМАТМАН, ДЕМОҚ ЛОЗИМ!

Кавокиб сайрини тунда бедор ўландан сўр...

ФУЗУЛИЙ

Бу дунё ғоятда гўзал, табиат бебаҳо, офтоб-ки танимизга тушиб тураркан, бахт дегани мана шу! Эрта тонг жамолини кўришлик қанчалар қувонч бағишлайди, қадрига етиш керак.

Ҳамма вақт мен соғу саломатман дегил, жисмингдаги барча аъзоларнинг қулоғи бор, тилагимизга амал қилади.

БЕБАҲО ФАРЗАНДЛАРИМ

Баъзилар қариликда, «бетоб кунларимга» деб пул ва бойлик тўплайдилар, эҳтимол бу тўғридир. Хорижда, айниқса Америкада бу одат кенг тарқалган. Оғир кунларда тўпланган бойлик эмас, ўз фарзандларимиз меҳри жонимизга оро киргизишади. Инсон яхши фарзандлар тарбиялаган экан, кексаликда қанотлари бут ва қудратлидир.

КИТОБИЙ ХАЛҚ

Ўзбеклар саҳройи эмас, азалий китобий халқдир. Афросиёб ёзувлари, қадимий «Авесто» бунга далил. Аммо биз асрлар бешиги эканлигимиз, ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ал-Беруний авлодлари эканлигимиз билан фахр этиб, юраверишимиз тўғри эмас. Навоий асарлари, Ғафур Ғулом замондошларининг сермазмун китобларини ўқишимиз лозим. Улуғ номлар билан фахрланиш яхши, аммо китобни ўқиган кимса муродига етади. «Ал-Қонун»ларни Чингизхон туяларда олиб кетди. «Зичи Кўрагоний»лар, «Ўтган кунлар» тақиқланди, лекин китобий халқ ўлмади. Адабиёт — ўтда ёнмас, сувда чўкмасдир.

ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

Инсон қаригач, қўл-оёқлардан дармон кетади, баъзан алифдек бел дол бўлади, кўзлар хиралашади, юрак тепиши сустлашади, ортиқча югуришелишларга, мажлису маросимларга ҳафсала қолмайди... Лекин инсон вужудида асло қаримайдиган, аксинча, яшартирадиган, ҳаётга чамбарчас боғлайдиган бир нарса бор. У кўзга кўринмайди, чин инсонлар вужудида доимо барқарор туради.

Бу нима деб сўрарсиз. Бу — муҳаббат! Юз ёшга борган улуғ Саъдий Шерозий бу ўтмиш, лекин ўзимизнинг тўқсон ёшга кирган Ҳабибий домла ҳам муҳаббат ҳақида ғазаллар ёзиб, ўқиб берганларида ишонмаган эдим. Йўқ, устозлар ҳақ экан. Кексайган йилларимда бу улуғ шоирларнинг юрак туғёнлари ҳаққоний эканини англадим.

Чин Инсон кексайганда молу мулки эмас, иймони, фарзандлари ва муҳаббати билан ёлғиз қоларкан, бу уч нарса илоҳийдир ва муқаддасдир.

ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРДАН ИБОРАТ

«Агар соҳибқирон Амир Темурдай кишилар давлат тепасига келса ҳар беш юз йилда мамлакат жамоли тубдан ўзгаради, фаровонликка юз тутади» — деган эди тарихнавис Ҳафизи Абрў, бундай буюк инсонлар авлоду аждодлар бахтидир. Мутафаккир тарихнависнинг бу фикрларини ўқиб, камина ўз Ватанимга боқаман: шаҳарлар пайдо бўлиб, боғлар, равон кўчалар, муаззам кўприклар, тарихий ва маданий ёдгорликлар таъмирланиб бозору олийгоҳлар, уй-жойлар қурилиб, мамлакат яшармоқда. Навқирон фарзандлар учун булар оддий ҳодисадай кўринади, аммо биз каби эски дунёни кўрган жафокаш кексалар учун мўъжиза.

Мозийда Имом Аъзамга одамлар мурожаат этиб, ҳазрат, бир мўъжиза кўрсатинг, деган эканлар. Ўшанда Ҳазрат «Сиз менга бу дунёда мўъжиза бўлмаган бирон нарсани кўрсатингчи?» деган эканлар. Бу ривоят ҳаммага маълум.

Мамлакатимизда кечаётган мўъжизаларни кўриб турибмиз, мавлоно Ҳафизи Абрўнинг беш юз йилда бўладиган мўъжизасини бизлар исботламоқдамиз, катта тарихий даврни бошдан кечирмоқдамиз. Тараққиёт даври бошланди.

Ўз-ўзи ўлганнинг доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Жароҳатки етар кўнгилга тилдин,
Қилолмас ҳеч марҳам ани барҳам.
АЛМАИЙ

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,
Она тил бўлғай ўша тил — она тил.
Анбар ОТИН

Ҳар кимнинг болалар ноғораси каби ичи бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса ҳалқум дарвозасини қиртишлайди. Яхши сўз бебаҳо бой асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

Ибн КАМОЛПОШШО

Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқғай сўзинг кўп бўлса бир кун.
Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.
Абдулла АВЛОНИЙ

Сўз ақлнинг тарозусидир.

Сўз борки, тоққа кўтаради, сўз борки, ғорга итаради.

Сўз ақл ўлчовидир.

«ОТАЛАР сўзи»

Жисм бўстониға шажар сўздур,
Руҳ ашжорига самар сўздур,
Гулшана келди жисми инсоний,
Нутқ онинг булбули хушалҳони,
Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.
НАВОИЙ

Айтишларича, Баҳром Гўр бир дарахтнинг остида ўтирган эди. Ногоҳ шохлар орасидан бир қушнинг овози эшитилди. Баҳром бир ўқ билан бемаврид «сўзловчи» бу қушнинг ишини тамом қилди. Қушнинг тани мих мисол шохларга урилди ва жони эса ўқ-ёйнинг иссиқ сихи билан тилинди. У деди: «Қуш ҳам, инсон ҳам ўз тилини сақласа омон бўларкан!» Байт:

Гарчи қуш бўлсин у ва ёки инсон,
Тилини сақласа бўлади омон.
Шамни кўргач шамдон оғзин бекитди,
Чунки шамнинг тили бошига етди.

Хўрозни кўрмайсанми, бемавриду беҳангом қичқирди-ю, субҳи шомга айланди. Байт:

Хўроз қанот қоқиб бевақт қичқирди,
Мурувват ўрнига боши қирқилди.
Ибн КАМОЛПОШШО

Сўзни кўнгулда пишқармагунча
тилга келтирма,
Ва ҳарнеки кўнгулда бор — тилга сурма.
НАВОИЙ

Туз бўлубон тилни тузлукка оч,
Тушса дағи теша емас туз йиғоч.
Ҳайдар ХОРАЗМИЙ

Донишмандлар сўзни жавоҳирга, одамни эса конга ташбиҳ қиладилар.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфта дағи инжулари сўзни бил.
Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дурларидин бўлубон жоласи.
Тил сўз била то қизитди ҳангомамни,
Бир ҳам тия олмадим бу худ комамни.
Ҳеч неча итиқрок айлади хомамни,
Ул хома қаророк айлади номамни.
НАВОИЙ

Эй ўғил, сен ҳарвақт гапирмоқчи бўлсанг, аввало гапингни яхшилаб ўйла, сўнг гапир. Зарурат пайдо бўлгандагина гапиришга одатлан. Бўлмаса жим ўтир! Кўп ўйлаб, оз сўзлашда ҳикмат катта.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Ёмон сўз кескир қиличдан баттардир.
КОШИФИЙ

Қил ҳазар душман сўзиндин, эй рафиқ,
Неким ул айтса, анинг аксин эт.
Сайфи САРОЙИ

Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун нуқсон эканини билмайдилар. Эшитишимча, Сунъо эшигида қуйидаги панду ҳикмат ёзиб қўйилган экан: «тилингга сукутни ёр қилсанг, ғам остида хор бўлмайсан!» Шайх Саъдий айтади:

Бир чолга йўлиқиб Юнон юртида,
Дедим, эй оқилу зукко-ю, хушлик,
Инсонга нима иш яхшидир? Деди:
«Хомушлик, хомушлик, яна хомушлик!»
Ибн КАМОЛПОШШО

Оқил ул сўзни ўринда сўзлагай,
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.
Сайфи САРОЙИ

Қилма изҳори суханварлик
фароғе истасанг,
Сийму зар ўрнига ер бошиға
санги хора сўз.
МУНИС

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Тадбирлар

ЕР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭКОФЕСТИВАЛЬ

ҲАР ЙИЛИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ АПРЕЛЬ ОЙИДА ЕР КУНИНИ НИШОНЛАЙДИ. «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИ ЕР КУНИНИ НИШОНЛАШГА ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎЛИДА БИР ҚАТОР ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. АНЪАНАВИЙ «ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ», ҲАШАРЛАР, УЧРАШУВЛАР, КОНФЕРЕНЦИЯЛАР, ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛЛАР ВА УМУМАН ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

Яқинда «Экосан» Халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси ҳамкорлигида Ер кунига бағишлаб «Экофестиваль-2006» тадбирини ўтказди. Экофестивалда «Она замин инъомлари» кўргазмаси, рассомларнинг бадиий ижоди намуналари, гуллардан безатилган композициялар намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, депутатлар, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Экофестивалнинг тантанали очилишида сўзга чиққан «Экосан» Халқаро ташкилотининг раиси Юсуф Шодиметов, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси раиси Абдували Абдуазимов ва бошқалар ер ресурсларининг ҳолати ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи глобал ва маҳаллий миқёсда долзарб бўлиб қолаётганлигини, шунингдек, саховатли она заминимизни, табиатни мусаффо сақлаш барчанинг бурчи эканлигини таъкидладилар. Шу куни экофестивалда Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиб, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари учун бир қатор фермерлар «Экосан» Халқаро ташкилотининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мазкур фестиваль доирасида ташкил қилинган кўргазмада республикамизнинг таниқли рассомлари ва ёш мусаввирларнинг «Менинг қишлоғим», «Тоғ манзараси», «Тоғ олтин кузи», «Эски ҳовли», «Оқтош», «Хумсон» каби расмлари яна бир бор барчани атроф-муҳитни асраш, табиатни эъзозлашга ва саховатли ер инъомларидан оқилона фойдаланишга чорлади. Экофестиваль якунида эстрада юлдузлари ижросидаги жозибали куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Экофестиваль—2006» тадбиридан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар





Футбол

МУХЛИСЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БЕЛЛАШУВЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ БАҲСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ПАХТАКОР» ВА «МАШЪАЛ» ЖАМОАЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Эронда «Фулад» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар ўз мухлисларини ниҳоятда шод этишди. Гарчи мезбонлар ғалаба иштиёқида майдонга тушиб ҳатто ҳужумларининг бирида тошкентликлар дарвозасига биринчи голни киритган бўлсаларда, аммо меҳмонларнинг уюшқоқ ҳолда ҳужумкор ўйин намойиш этишлари, рақиб дарвозаси олдида тез-тез хавфли вазиятларни содир этишлари учрашув тақдирини ўзгартириб юборди. Шуниси қувонарлики, тошкентликлар 90 дақиқа мобайнида мезбонлар дарвозасига учта гол йўллашга муваффақ бўлишди. Мухлисларга қувончли онларни ҳадя этган тўпларни мезбонлар дарвозасига Байрамов, Кирьян ва Тожиевлар киритишди. Хуллас учрашув 3:1 ҳисобида ажойиб ғалаба билан якунланди.

Қаршида «Машъал» жамоаси Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоаси билан куч синашди. Муросасиз, шиддатли ҳужумларга бой кечган беллашув майдон эгаларининг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Шундай қилиб «Пахтакор» ҳам, «Машъал» ҳам муҳим очколарга эга бўлишди ва гуруҳларидаги мавқеларини анча мастаҳкамлаб олишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЯНГИ ЭКОЛОГИК САЙТ

ЖАҲОН ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ МАРКАЗИНИНГ WWW.EKONEWS.UZNATURE.UZ. САЙТИ ОЧИЛДИ.

Энди атроф-муҳитни ҳимоя қилишга тааллуқли масалалар ва Ўзбекистон ҳамда дунё экотизимини сақлаш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида ушбу сайт орқали билиб олишимиз мумкин.

Ушбу сайтдан заминимиз бойлиги, унинг унумдорлиги, набобат ва ҳайвонот олами ҳақидаги ранг-баранг ахборот ўрин олган. Бундан ташқари, экологик ҳаракат тарихи ва унинг бугунги кундаги ривожланиши тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар тўпланган. Сайтда «Галерея», «Маҳсулот», «Луғат», «Алоқалар», «Янгиликлар», «Долзарб мавзу» каби қатор бўлимлар мавжуд. Ушбу бўлимлар техник тараққиёт ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг оқилона уйғунлиги имкониятлари ҳақида сўзлайди. Улардан фойдаланиш эса хўжалик юритувчиларга экологик тоза ишлаб чиқаришни ташкил этишда ортиқча маблағ сарфламаслик имконини беради.

Сайтнинг «Қизил китоб» ва «Ўзбекистоннинг қўриқланадиган табиий ҳудудлари» деб номланган бўлимлари нафақат табиат шайдолари, балки мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Сайтдан фойдаланувчилар воҳамизнинг қўриқхонага айлантирилган ҳудудларида сақланиб, кўпайтирилаётган бебаҳо табиий бойликлари тўғрисида билиб олишади.

ЎзА

БУГУНГИ КУНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ОРАСИДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАНЛАР САФИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА. УЛАР ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТУВЧИ ТУРЛИ ХИЛ ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ КЕНГ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА.

МАШҲУРАЛАР КЎПАЙСИН...

Шу каби ўқув марказларининг номларини эшитганда аввало кўпчилигимиз яхши биламизки, бундай тадбиркорликни эзгу ниятлар билан илк бора бошлаганлардан бири Машҳура Юсуповадир. Бугунги кунда «Машҳура» ўқув маркази ҳақида эшитмаган, билмаган одам бўлмаса керак. Бу ерда ҳозиргача касб-ҳунар ўрганган қизларнинг сони 20 мингдан зиёдни ташкил этади. Айни кунда республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланаётган етакчи ва нуфузли «Машҳура» ўқув марказининг фаолият бошлаганига 12 йил тўлди. 1994 йилда ташкил топиб атиги бешта ўқув курси билан иш бошлаган фирма бугунга келиб 22 та йўналиш бўйича ёшларга ҳунар ўргатмоқда. Бу ерда дарсларни юқори малакали, тажрибали, профессионал мутахассислар олиб боришади. Ўқув дастурлари ҳам замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Шуни таъкидлаш керакки, фирма бугунга келиб республикамизнинг бир нечта вилоятларида ўқув марказининг филиалларини очишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга унинг номи нафақат республикамизда, қолаверса Германия, Жанубий Корея каби хориж мамлакатларида ҳам танилиб бормоқда.

Фирма фаолиятининг 12 йиллиги муносабати билан яқинда «Дедеман» меҳмонхонасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда «Машҳура» фирмасининг бугунги кундаги кенг қамровли фаолияти, ютуқ ва режалари хусусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Шу куни «Машҳура» фирмаси оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида махсус танлов эълон қилди. Қизғин савол-жавоб, мунозаралар остида ўтган анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулором ҲАМИДОВА

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ИНСУЛЬТ ҚАТЪИЯТСИЗЛАРНИ ТАНЛАЙДИ

Тиббиёт фанлари номзоди Фаррух САИДОВ ҳикоя қилади:

ЁШЛАР ИНСУЛЬТНИ КЕКСАЛАР ХАСТАЛИГИ ДЕБ АТАШАДИ. ЛЕКИН АМАЛИЁТ БУНИ ҲАМИША ҲАМ ТАСДИҚЛАЁТГАНИ ЙЎҚ. МИЯ ҚОН ТОМИРЛАРИДА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ КЕСКИН БУЗИЛИШИ ҲАЛИ НАФАҚАГА ЧИҚИШЛАРИГА АНЧА ЭРТА БЎЛГАН КИШИЛАРДА ҲАМ ТОБОРА КЎПРОҚ УЧРАЯПТИ.

Статистика маълумотларига қараганда, инсульт ҳатто саратондан ҳам ўтиб кетиб, ўлимга олиб келадиган барча сабаблар ичида жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олган.

Инсультнинг бу қадар тез «ёшариши» ҳозирда мутахассисларга кўп ташвиш туғдиряпти. Уларнинг гувоҳлик беришларича, бу касаллик кўпинча аҳолининг интеллектуал сермаҳсул қисми вакилларини ўз домига тортади. Инсульт қурбонларининг ҳар ўнинчиси 45 ёшга етмаган кишилардир.

Хўш, бу касаллик қандай пайдо бўлади? Унинг юзага келиш омиллари турлича бўлиши мумкин, лекин моҳияти битта: бош миянинг муайян бир қисми қандайдир сабабларга кўра, ҳаёт учун муҳим бўлган унсурлар (кислород, глюкоза ва ҳ.к.) лардан маҳрум бўла бошлайди.

Бу ҳолат қон томири ёрилиши натижасида рўй бериши мумкин. Бундан мияга қон қуйилиши келиб чиқади. Бундай инсульт касаллиги геморрагик инсульт деб аталади.

Баъзан томирларда қон юришининг камайиши миянинг муайян бир қисмига қон етказиб берувчи томирнинг торайиши оқибатида юз беради. Инсультнинг бу тури ишемик инсульт номини олган. Ишемиянинг ўзига эса, мия артериал қон томирининг ивиб қолган қон ёки газ пуфакчаси билан тўсилиб қолиши сабаб бўлади.

Инсультнинг намоён бўлиши ҳам турлича: ҳаммаси қон қуйилиши ёхуд ишемияга «сабабчи бўлган» ва унинг натижасида зарарланган қон томири ва миянинг тегишли қисми ҳажмига боғлиқ. Касаллик энг оғир кечган ҳолларда бемор саноқли дақиқаларда нобуд бўлиши мумкин.

Бошдан кечирилган инсульт оқибатлари сирасига ҳар хил фалажликлар—оёқ-қўллар, юз ва «нутқ» мушаклари фалажлари, кўриш ва эшитиш қобилиятининг кескин пасайиши каби ҳолатлар киради. Миянинг бой берилган функцияларини тиклаш жуда қийин ва баъзан имконсиз ҳам бўлиши мумкин.

Жуда оғир касаллик ҳисобланишига қарамай, инсульт олдини олиш аниқ мумкин бўлган хасталиклар қаторига киради. Гап шундаки, унинг юзага келиш эҳтимоли «муҳит муҳандислиги» деб аталган усул ёрдамида яхшигина тартибга солинади. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, инсультга учраш хавфи бўлганлар гуруҳига кирувчи кишиларнинг баъзи бир чекловларга риоя қилишига тўғри келади. Шунга амал қилинса, уни бемалол «четлаб ўтиш» мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун билишимиз керак бўлган омилларни санаб ўтамиз:

1.Қон таркибида холестерин даражасининг юқорилиги—лаборатория текшириши асосида аниқланади.

2.Барқарор артериал гипертезия (артериал қон босимининг симоб устунининг 140 га 80 мм ва ундан ортиқ ҳолда барқарор туриши)—оддий тонометр билан ўлчаб билинади.

3.Аждодлар генеалогияси, яъни энг яқин қариндошлик шажараси—оила даврасида муҳокама этилади.

4.Чекиш—томирларни зарарлаши ҳисобига инсульт таҳдидини икки баравар кучайтиради.

5.Тананинг ортиқча массаси ҳамда камҳаракат ҳаёт тарзи—қон айланиши жараёнини сусайтиради.

6.Баъзи бир касалликларнинг мавжудлиги (қандли диабет, юрак ишемияси касаллиги, митрал клапаннинг жойидан тушиши, тизимли васкулитар)— одатда булар ҳақида даволовчи шифокор огоҳлантиради.

7.Спиртли ичимликларни меъёрсиз истеъмол қилиш—мияга қон қуйилиши хавфини кучайтиради.

8.Жиловланмайдиган эҳтиросларсизлик—касалликни келтириб чиқарувчи барча омилларни бир йўла ва боз устига икки баравар куч билан ишга солади.

Инсульт билан оғришнинг амалда бошқариб бўлмайдиган хавф-хатарлари ҳам мавжуд. Биринчидан, инсультга аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ мойил бўлади. Иккинчидан, инсон ёши кексая борган сари инсульт унинг пинжига тобора «яқинлашиб боради».

Шундай қилиб, муҳими—«бошқариладиган» омилларни сусткашлик қилмай, тезроқ чорасини кўриш керак бўлади. Яъни чекишни ташлаш лозим, баданни қиздирадиган ичимликларни истеъмол қилишни қатъий меъёрларда чекловчи тартибни жорий этиш, кўпроқ ҳаракат қилишни бошлаб юбориш ва оқилона овқатланиш, кўпроқ қувнаб-қувониб, жаҳлдорликни унутиш керак.

Ўзингизнинг қанчалик инсультга мойиллилигингизни таҳлил қилиб, ўнглаш мумкин бўлган омилларни тўғрилашга ҳаракат қилинг. Нималарнидир ўзингиз мустақил бажаришингиз мумкин бўлса, бошқа нарсалар мутахассис аралашувини ёки яқин кишиларингиз мададини талаб қилади.

Афсуски, одатга айланган қусурлар, шу жумладан ҳалокатга элтувчиларини ҳам ўзгартириш қийин. Лекин, барибир, ўзгартириш зарур. Маккор инсульт кўпроқ ўзининг зарарли одатларига қул бўлиб қолганларни танлайди.

Мунажжим башорати

БОШЛАДИНГИЗМИ — ОХИРИГА ЕТКАЗИНГ

2 МАЙ, СЕШАНБА

МУНАЖЖИМЛАР БУГУНГИ КУННИ ФАОЛ ТАШАББУСЛАР ВА САЁҲАТЛАР КУНИ ДЕЯ ТАЪРИФЛАШГАН. ҲАР ҚАНДАЙ ИШНИ БОШЛАДИНГИЗМИ – УНИ АЛБАТТА ОХИРИГА ЕТКАЗИШИНГИЗ КЕРАК. БУГУН ЙЎЛДА БЎЛИШ, СПОРТ ВА ЖАНГОВАР САНЪАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ, ЎЗ НУҚТАИ-НАЗАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АДОЛАТ УЧУН КУРАШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ.

Шу куни суд жараёнларини бошлаш, ҳуқуқшунослар ва ҳокимият вакилларига мурожаат қилиш самарали бўлади.

Пичоқ топиб олиш бугунги куннинг энг яхши аломати ҳисобланади (унинг ўрнига танга ташлаш керак — гўё сиз уни «сотиб оласиз». Бу – барча истакларингиз рўёбга чиқишидан далолатдир. Мабодо, бугун маъдандан ишланган буюм ёки стулни синдириб қўйсангиз, ёхуд ёмғирда қолиб ивиб кетсангиз – бу ҳимоянгиздан айрилиб, сирларингиз ошкор бўлишидан нишона.

Бугун оч қорин билан юриш ман этилади. Агар парҳезда бўлмасангиз – туйғуларингизга таянган ҳолда кўнглингиз тусаганини ейишингиз мумкин. Лекин бирон егуликни табиатингиз тортмаса – ўша овқат сиз учун зарарли бўлади. Мабодо, бугун ошқозонингиз ёки ичак йўлларингиз касалликлари хуруж қилиб қолса, билингки, сиз салбий эҳтиросларга тўлиб-тошибсиз.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-707

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6